

ERURSEN SHOH, AGAR OGHONSEN SEN, AGAR OGHONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 11-fevral, 6 (647)-son Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2005 йил, 7 феврал куни Оксарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан амалий кенгаш ўтказди.**

Кенгашда давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" дастурий маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича асосий талаблар ва ҳукуматнинг иш тамойилларини белгилаб берди.

◆ **Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Марказий Осиёда трансчегаравий муаммолар ва экологик хавфсизлик масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.** Анжуманда Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Фарғона, Қорақалпоғистондаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзгидромет" маркази ва бошқа ташкилотлар мутахассислари, журналистлар қатнашди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ҳамкорлигида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган анъанавий илмий анжуман ўтказилди.**

Тадбирда адабиётшунос олимлар Навоийнинг бугунги ўзбек адабиёти ва маънавий ҳаётимизда тугган ўрни ҳақида гапирдилар.

◆ **Самарқанд шаҳридаги Марказий истироҳат боғи марказида шеърят мулкисининг султони Мир Алишер Навоийнинг мухташам ҳайкали ўрнатилди ва эндиликда бу маскан улуғ шоирнинг номи билан атала бошланди.**

Халқаро семинар



Жорий йилнинг 2-3 феврал кунлари Кишинёв шаҳрида Молдова Республикаси ахборот технологиялари департаменти, Россия Федерацияси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда Худудий алоқа ҳамдўстлиги (ҲАХ) томонидан уюштирилган «Интернетдан фойдаланишни бошқариш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинар 2005 йилнинг 16—18 ноябр кунлари Тунисда Ахборот жамияти масалалари бўйича ўтказилиши мўлжалланган Бутунжаҳон саммитининг иккинчи босқичига МДХ давлатлари орасида тайёргарлик қўриш доирасида ўтказилди. Унда алоқа маъмуриятлари, ахборотлаштириш бўйича миллий тузилмалар, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги давлат бошқарув

органлари, жумладан, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қирғизистон, Қозғоғистон, Молдова, Ўзбекистон, Украина Республикалари, Россия Федерацияси, шунингдек, миллий доменлар маъмуллари, жамоат ташкилотлари ҳамда Интернет операторлари ва провайдерлари вакиллари қатнашдилар.

Семинарда Интернетни бошқариш, Интернет инфратузилмасининг ишончилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги, кибержиноят (киберўғрилик, кибертерроризм) каби муаммолари масалалар муҳокама этилди. Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий асосни етарли даражада ривожлантириш ва уйғунлаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, электрон почта спамига қарши курашиш, минтақа ва халқаро миқёсда Интернетдан фойдаланиш ва ахборот жамиятини барпо этиш масалаларини мувофиқлаштириш, Интернет тушунчасини белгилашда МДХ худудида очик маслаҳатлар уюштириш, Интернетдан фойдаланишни бошқариш бўйича МДХ давлатлари вакиллари билан ҲАХнинг веб-сайтида очик форум ташкил қилиш каби масалалар кўриб чиқилди ва тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Элбек ДОЛИМОВ

Хатжилдлар талаб даражасида бўлсин!

Почта алоқасининг асосий хизматларидан бири хат-хабарларни қабул қилиш ва кўрсатилган манзилга етказиб беришдир. Хат-хабарларни эгаларига етказиш жараёни ўзига хос ривожланишга эга бўлиб, кишилик жамиятининг эволюцион тараққиётида турли кўринишдаги босқичларни босиб ўтган.

Дунёдаги барча мамлакатлар ўзларининг хатжилдларига эга ва уларни ишлаб чиқаришда жаҳон стандартларига амал қилишади. «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти ҳам почта хатжилдлари стандарти ва техник шартларини жаҳон стандартларига мос равишда ишлаб чиққан эди. Мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази ("Ўздавстандарт")нинг 2002 йил, 14 июндаги қарори билан тасдиқланиб, 2002 йил, 1 июлидан амалга киритилган. Бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимидаги барча почта алоқаси бўлимлари, шахобчалари орқали стандарт ва техник шартларга мос келадиган хатжилд (конверт)лар сотуви амалга оширилмоқда.

Почта хатжилдларининг стандарти ва техник шартлари "Ўздавстандарт" томонидан тас-

диқланган бўлишига қарамастан, республика-мизда ҳанузгача мазкур стандарт талабларига жавоб бермайдиган почта хатжилдлари ишлаб чиқаришда ва газета, савдо дўконлари ҳамда яққа тартибдаги талбиркорлар томонидан сотилмоқда. Бундан ташқари, баъзи вазирликлар, корхона ва ташкилотлар томонидан ўзларининг эмблемалари туширилган ностандарт хатжилдларга буюртма қилиниб, хат-хабарлар жўнатишда. Хатжилдларни ишлаб чиқаришда белгиланган талабларнинг бузилиши ва уларнинг сифатсизлиги натижасида хатжилдлар манзилга етиб боргунга қадар яроқсиз ҳолга келиб, мижозларнинг ҳақли эътирозлари кўлайишига сабаб бўлмоқда.

Ўқуридагиларни эътиборга олиб аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотлар ўртасида тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо бу қутилган натижани бермапти.

Почта алоқаси корхоналари ностандарт хатжилдларда жўнатишдаги сифатли етказиб берилишига қароғайин беара олмайдилар. Шунинг учун ҳам жойлардаги почта хатжилдлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва фирмалар давлат стандарти асосида хатжилдлар ишлаб чиқаришлари шарт. Бу эса, ўз навбатида, жўнатилаётган барча хат-хабарларнинг стандарт хатжилдларда жўнатилишини ва иш сифатини таъминлайди.

Абдураим БЕКТОШОВ, «Ўзбекистон почтаси» АЖ бош мутахассиси

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎҚУВИ

Бухоро вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасида маънавият ва маърифат ўқувининг навбатдаги машғулот ўтказилди. У Республикамазис Президентининг 2005 йил, 28 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" мавзусида қилган маърузасини ўқи-ўрганишга бағишланди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида инкил палатали парламентнинг фаолият юритиш барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўяди, зиммамизга катта масъулият юклайди. Бугунги кунда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўяётган ва ўз татбиғини кутаётган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар асосан мисалардан иборат эканлиги ҳусусида маънавият ва маърифат ўқуви давомида батафсил сўз юритилди. Зотан, Президентимиз маърузасида бу йўналиш ва вазифалар очик-ойдин кўрсатиб ўтилган.

Маънавият ва маърифат ўқувини олиб борган фалсафа фанлари номзоди О.В.Фоев машғулот қатнашчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берди.

Аскар ИСТАМОВ

